

УДК 374

X. Muxitdinova

Senior Lecturer of the Department of Social Sciences

Namangan Engineering and Construction Institute

INNOVATIVE ACTIVITY IN THE EDUCATION SYSTEM FORMATION: TECHNOLOGICAL APPROACH

Abstract: This article discusses topical issues of the formation of innovative activities in the education system.

Keywords: innovation, education, technological approach, pedagogical activity, professional competence

X. Muxitdinova

Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Аннотация: Ушбу мақолада таълим тизимида инновацион фаолиятни шакллантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: инновация, таълим, технологик ёндашув, педагогик фаолият, касбий компетентлик

Олий таълим тизимида тарбия жараёнини технологиялаштириш аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ҳамда талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий технологик жиҳатдан уюштирилиши демакдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Инновация бўлмаса ҳеч бир соҳада ривожлантириб бўлмайди». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим тизимида тарбия мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи-ижодий фаолият

тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Бу ғояни бизнингча, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий, амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- таълим-тарбиянинг ўзаро алоқаси.

Таълимга анъанавий ёндашув асосий эътиборни дидактика ва таълим нуқтаи назаридан асосланган тайёр билимларни таълим субъектига сингдириш билан умумий ёки касбий фаолият, кўникма, малакани шакллантиришни кўзда тутди. Бундан фарқли ўлароқ, замонавий таълим инновацияси тайёр билимларни таълим олувчига етказиш билан чегараланмайди, балки шахснинг турли манбалар асосида узатилаётган билим ва ахборотларни ўзлаштиришига эътибор берган ҳолда, унинг билимларни фаол ўзлаштириши, ўз истеъдодига мос ижодий ўзгартириш лаёқатига эга бўлишини, таълим жараёни иштирокчисига айланишини кўзда тутди. Шунингдек, кам вақт сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш инновацион фаолиятнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Анъанавий ёндашувга кўра, ўқув режаларида белгиланган умумий касбга оид махсус билимларни баҳоли қудрат тўлароқ эгаллагандан сўнг таълим субъектида янгилик яратишга, татбиқ этишга лаёқат юзага келиб, ижодий иш билан шуғулланишга имконият юзага келади. Ноанъанавий таълим концепцияси эса шахсга йўналтирилган таълим, иқтидор ва истеъдодни ривожлантиришга, таълим бериш билан бир қаторда таълим олиш жараёни самарадорлигини ошириш тамойилларига асосланади.

Шунинг учун дастлабки босқичлардан бошлаб, таҳсил олувчи шахс ижодий фаолиятга, шунингдек, инновацион фаолиятга жалб этилади, бинобарин, узлуксиз таълим тамойилига кўра, бундай лаёқат нафақат таълим жараёни, балки касбий фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда ҳам шакллантирилади ва мукамаллашиб боради. Ҳозирги кунда ноанъанавий дарс ўтиш услубларига алоҳида урғу берилётган бўлсада, унинг асосини анъанавий таълим услублари ташкил этади.

Анъанавий таълим тизимида ўқув режаси ва дастурларида қатъий белгиланган билимларни ўзлаштиришда муваффақиятга эришган таълим олувчиларни ижодий фаолиятга жалб этишга эътибор қаратиса, замонавий ёндашувда эса бундай имкониятларни таълим олувчиларнинг барчаси учун яратилишини кўзда тутди. Финобарин, ижодий фаолият учун зарур малакавий сифатларни шакллантириш ҳам асосий педагогик мақсадлар сирасига киритилади. Албатта, мана шундай ёндашув инновацион фаолият кўламини кенгайтиришга замин яратади.

Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда профессионал компетентлик янгича маъно касб этиб, нафақат касбий фаолиятни таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган, репродуктив фаолият учун хос бўлган усул, услуб ва воситалардан самарали фойдаланишни, балки инновацияларни яратиш, жорий этиш, имконият даражасида инновацион ғояларни мустақил равишда илгари суриш ва уларни рўёбга чиқариш солоҳиятини ҳам ифода қилади.

Бўлғуси мутахассисни тадқиқотчилик ва тадбиркорликни ўзида мужассам қилувчи новаторлик фаолиятига тайёрлашни профессионал компетентликнинг зарурий талабларидан бири сифатида шакллантириш ғоят мураккаб ва кўпқиррали таълимий жараёндир. Уни юритишни кўп босқичли таълимий вазифа деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалий машғулотларни замонавий компьютер технологиялари асосидаги интерфаол усуллар, чунончи, экспертлар иштирокидаги давра суҳбати,

инновацион технологиялар ярмаркаси, Интернет-форум, инновацион лойиҳа тақдимоти, консалтинг-форум, семинар-тренинг ва бошқа замонавий таълимий технологиялардан фойдаланиш кўланган мақсадларни изчил амалга оширишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларнинг ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришда интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулотларни ташкиллаш ҳар бир талаба учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам муҳим. Бундай машғулотлар муаммоларни ҳамкорликда ечишга, ҳамжихатликка ва ҳамфикрликка олиб келади ҳамда уларни танқидий фикрлашга, мавжуд вазият ва бор маълумотларга асосланиб мураккаб муаммоларни ечишга, муқобил фикрлардан энг мақбулини танлашга, туғри қарор қабул қилишга, мунозараларда иштирок этишга, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ва тинглашга, шунингдек, шахслараро самарали мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга туртки бўлади.

Бугунги таълим олдида турган асосий вазифа ҳам талабаларни реал ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш, фан ва техникани энг сўнги ютуқлари билан таништириш, янги инновацион лойиҳалар яратишга йўналтириш, ҳар бир шахсда экологик маданиятни шакллантириш, бугунги тинч ва осоишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, аждодларимиз яратган маънавий-маданий меросимизни авайлаб асраш ҳамда келажак авлодларга етказишдир.

References:

1. Ismoilov M. I. The status of intuitive forecasting in the environmental paradigm evolution //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 6. – С. 214-218.
2. Ismoilov M. I. A new environmental (ecological) paradigm an important factor in ensuring of sustainable development //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 10. – С. 666-668.
3. Ismoilov M., Shaydullayev N. Moral education: concept, essence, tasks //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2. – С. 658-660.
4. Ismoilov M. Ecological paradigm and the present society //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 5. – С. 21-24.

5. Ismoilov M. I. Towards the environmental paradigm: from irrational to rational //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 5. – С. 24-27.
6. Шайдуллаев Н. Обеспечение информационно-психологической безопасности в открытых информационных системах //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 909-912.
7. Shaydullayev N. Formation of intellectual culture in youth-demand of period //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 140-142.
8. Jo‘rayev, X. teacher (2019) "“Turkistan collection” is an important resource in studying the history of the policy of the Russian Empire’s population migration to Turkistan," *Scientific journal of the Fergana State University*: Vol.2, Article 17. DOI: 93/99+(-32)+(282.1)
9. Juraev N. T. Russia's educational policy in turkestan //Экономика и социум. – 2020. – №. 3. – С. 53-56.
10. Жураев Х. Т. Взаимосвязь политики и религии //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 5. – С. 298-301.
11. Abdulahadovich X. A., Egamberdiyevna D. S., Tuxliboyevich J. R. H. Innovative approach to improving the effectiveness of higher education //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 7. – С. 1074-1076.
12. Muxiddinova K. The role of a mother in raising young people in the spirit of love to books //Инновационные подходы в современной науке. – 2021. – С. 73-77.
13. Muxiddinova X. The role of women’s in the education spiritual youth //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 3. – С. 42-44.
14. Мухиддинова Х. Г. Информация как средство психологического воздействия //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 625-628.
15. Мухиддинова Х. Г. РЕЛИГИЯ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ФЕНОМЕН //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 628-631.
16. Otaxonov A. The Importance Of Using Modern Pedagogical Technologies In Teaching Historical Sciences //Экономика и социум. – 2021. – №. 5-1. – С. 383-386.
17. Otaxonov A. The role of political and social views of the jaded thinkers in our national spiritual development //Экономика и социум. – 2019. – №. 6. – С. 57-59.
18. Khaydarov M. T., Otakhanov A. M. The role of ecological culture in family ceremony (as examples uzbeks in fergana valley) //Вестник современной науки. – 2015. – №. 11-1. – С. 42-44.
19. Otaxonov A. Relationship Between Politics And Religion //Экономика и социум. – 2019. – №. 6. – С. 54-56.